



# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSİYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 13 iyul № 28 (461)

Sotuvda narxi erkin

## ИЛК МАГИСТРЛАР

Тошкент электротехника алоқа институтида магистратуранинг илк бор битирувчилари кутловига бағишланган тантана муносабати билан битирувчи — магистрантлар, уларнинг ота-оналари, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги раҳбарияти, алоқа корхоналарининг етакчи мутахассислари, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар тўпландилар.


Институт ректори С. Қосимов маросим қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг дастлабки битирувчиларига йўлаган кут-

ловини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Ф.Абдуллаев магистрлик белгиси — мантيا кийган магистратура битирувчиларига дипломлар ва кўкрак нишони топширди.

Академик Ж. Абдуллаев, профессорлар В.Сон, А.Абдунабиев, доцент Ш.Тожибоев ва магистратура битирувчиларининг ота-оналари дил сўзларини айтдилар, ёшларга муваффақият, Ватан равнақи йўлидаги самарали меҳнатда янгидан-янги зафарлар тиландилар.

Ш. ИСМОИЛОВ



Қарши. Алоқа уйи.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

## ЙИГИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида "Камолот" ёшлар ҳаракати гуруҳини ташкил этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни агентлик Бош директори ўринбосари Ш. Обидхўжаев бошқарди.

Йиғилишда ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати гуруҳининг ҳозирги кундаги фаолияти ҳақида йиғилганларга атрофчи маълумот берилди. Агентликда ташкил этилган "Камолот" ёшлар ҳаракатининг Мас-

лаҳат Кенгаши раиси этиб Бош директор ўринбосари Ш.Обидхўжаев, раис этиб М. Тожибоев, ўринбосарликка Т. Хўжакулов ҳамда комиссия аъзоларига Д. Юнусова, Ш. Холмухаммедов, З. Нурмухамедова ва М. Абдураззоқовлар сайланди. Шундан сўнг Р. Асқаров ва М. Тожибоевлар сўзга чиқиб, ташкил этилган ёшлар ҳаракати гуруҳининг ёшларимиз орзу-умидлари ушатишида, оғирини енгил қилишда хизмат қилаётганини айтиб ўтдилар.

Йиғилиш сўнггида ташкилий масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Т. ХЎЖАКУЛОВ

## ХУЖЖАТЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш II босқич лойиҳаси бўйича халқаро тендерда иштирок этиш учун танлов эълон қилганди.

Яқинда ушбу халқаро тендерда иштирок этиш иштиёқини билдирган компанияларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Ма-

росимда Агентлик биносида "Мицуи", "Иточу", "Алкател", "Митсубиси", "Марубени", "Канемацу" ва бошқа йирик компаниялар Агентлик ишчи гуруҳига ҳужжатларини тақдим этишди. Ишчи гуруҳ томонидан энг муносиб компаниялар танлаб олинди.

Ўз мухбиримиз

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРААР

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий йил биринчи ярим йиллик фаолияти ақуналари ҳамда "Она ва бола", "Соғлом авлод", шунингдек, маҳаллий

хомашёлар негизда маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт дастурларининг бажарилиши масалаларига бағишланган мажлиси бўлди.

• Италияда таэквандо бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати

бўлиб ўтди. Унда дунёнинг етмиш тўртта давлатидан минглаб спортчилар қатнашдилар. Ушбу нуфузли спорт мусобақасида мамлакатимиз таэквандо-чилари ҳам муваффақиятли иштирок этиб ўн учта медалга эга бўлишди.

• Литва Президенти Валдас Адамкуснинг фармониға кўра, янги ҳукумат раҳбари этиб 68 ёшли Альгирдас Бразаускас тайинланди. А. Бразаускасга

янги ҳукумат таркибини тузиш учун 15 кун муҳлат берилди.

• Интернетда бемалол ишлаш имкониятига эга бўлган америкаликларнинг аксарияти ўз иш жойида раҳбарият томонидан махфий тарзда кузатилад экан.

• Филиппин хавфсизлик қучлари "Абу Сайёф" экстремистик гуруҳи мамлакат президенти Глория Макапагал Арройога суиқасд уюртиришга тайёргарлик кўраётгани ва уларни

Афғонистонда яшириниб юрган халқаро террорчи Усама бин Лодин молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганини аниқлади.

• Нигерия штатларидан бирида шариат суди эчки ўғирлаган 30 ёшли фуқаронинг ўнг қўлини кесиш ҳақида ҳукм чиқарди. Ҳукм маҳаллий касалхоналардан бирида ижро этилди.

"Сирдарё почтаси" АЖ даги ишлар билан танишиш мақсадида Оқ олтин ва Меҳнатобод филиалларига йўл олган эдик. Бу ердаги меҳнат шароити анча ночор эканлигига гувоҳ бўлдик. Почта алоқаси хизмати бўйича белгиланган имтиёзлар ҳақидаги маълумотларни ҳам, почта жўнатмаларининг миқозлар учун тасдиқланган назорат муддатларидан кўчирмаларни ҳам учратмадик. Оқ олтин филиали

Республикаси Прокуратурасининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига нафақа тарқатишда почта ва телекоммуникация агентлиги тизимиде йўл қўйилаётган қонунобузарлик ва суиестемолликларни бартараф этиш юзасидан Такдимнома"си қўпол равишда бузилган. Корхона ҳодимларининг малакасини ошириш бўйича ўқитиш ишлари ташкил қилин-

• Бемга айланганнинг захри йўқ

га газеталар, хат-хабарларни вақтида етказиб бериш талаби бузилган. Бу Агентликнинг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида"ги буйруғи бажарилмаётганидан далолат. Шунингдек, ҳар иккала филиалда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар-

## ХИЗМАТ БУРЧИНГИЗНИ УНУТМАНГ

директори Феруза Умирова томонидан фуқароларнинг оғзаки ариза ва шикоятлари бўйича 2000 йил давомида ва 2001 йил, май ойигача бирорта миқоз қабул қилингани қайд қилинмаган. Истеъмолчилар учун кўрсатилаётган хизмат турлари ҳақидаги рўйхат ҳатто олди қозоғга бўлса-да ёзиб қўйилмаган.

Энг ҳайрон қоладигани - марказий почта залига ўриштирилган почта қутисидеги хатлар беш ой давомида умуман олинмаган. Оператор Л. Мўминова ва почтачи С. Отабоевалар эса икки-уч нафар пенсионерларнинг пулини ишонч қозонсиз бошқа бир кишига бериб юборган. Бунда Ўзбекистон

Меҳнатобод филиалида эса фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини ҳисобга олиш ҳамда статистик ҳисоботлар тузиш бўйича жавобгар шахс тайинланмаган. Оқибатда 2001 йилнинг 29 февралда мурожаат қилган Ҳамза ширкат хўжалигида яшовчи Абдурахмон Алишевнинг газеталарини вақтида ололмаётганлиги ҳақидаги, 9 мартдаги Э. Сууюнгов хат-хабарлар вақтида етиб бормаётганлиги тўғрисидаги шикоятлари корхона айби билан ҳисобга киритилмаган. Умуман, Оқ олтин ва Меҳнатобод филиалларида жуда кўп марта лаб почта алмасуви жараёнининг бузилишига йўл қўйилган ва истеъмолчилар-

нинг талаб ва таклифлари асосида иш юритиш яхши йўлга қўйилмаган. Ўйлаймизки, "Сирдарё почтаси" АЖ раҳбар ва мутахассис ҳодимлари мазкур хато-камчиликлардан тўғри хулоса чиқаради ва уларга барҳам бериш учун зудлик билан зарур чораларни кўради. Зеро, миқозлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳар қандай хизмат кўрсатиш соҳаси ҳодимларининг биринчи галдаги бурчидир.

Олимжон МАМАЖОНОВ,  
Сирдарё вилоят ДАИ инспектори,  
Абдуғофур ҲОТАМОВ,  
жамоатчи мухбир





"7" рақами билан боғлиқ мақол ва маталар, ҳикмати сўзлар, географик номларни учратмаган одам бўлмаса керак. Масалан, етти иктим, етти мўжиза, етти хазина, етти донишманд ҳақида ким эшитмаган дейсиз. Етти рақами ишлатилган мақолу маталар ку ҳар қаламда учрайди: "Етти ўлчаб, бир кес", "Етти бобони билган эр, етти юртнинг гамин ер", "Еридан айрилган етти йил йиғлар", "Ёмондан қоровул қўйсанг, ёвинг етти бўлади", "Пақ-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор", "Сув етти думаласа ҳалол бўлади...". Бунинг устига бу етти рақами билан боғлиқ географик, этнографик номлар ҳам талайгина: Етти кечув (Зомин туманидаги қишлоқ), Еттиқашқа (Ўзбек қипчоқлар таркибидаги урувлардан бири), Еттиқудқой (Ғазор туманидаги сой)...

Қўзғити шундаки, етти рақамига "ўч-лқ" фақат Ҳақ Осиё халқларига хос бўлмай, дунёдаги ҳамма эл-юртлар ҳам ундан бегона эмас экан. Дунё харитасидаги номлар бунинг исботи: Еттисув, Семипалатинск, Едикўл ("Етти минора") маъносида, Истамбул яқинидаги қалъа), Еттиқудқ (Кримда).

Илгари фанда Ер курраси ҳам 7 иктимга бўлинган. Масалан, Абу Райхон Беруний асарларида бу иктимлар тўғрисида батафсил га-

пирилади. Хоразмий жалвалида, Берунийнинг "Қонуни Масъудий"сида, Улугбек "Зижи Қўрагоний"сида ҳам жой номлари координаталар

## СЕҲРАИ РАҚАМ

жалвалида номлар 7 иктим бўлиб тартиб қилинганини кўрамиз.

Айтайлик, ўша Қадимги Юнонистонда ҳам дунёнинг мўжизаси деб аталишга лойиқ нарсалар жуда кўп бўлган. Аммо юнонлар улардан фақат еттипасинигина "мўжиза"лар қаторига киритишди. (Миср эҳромлари, Искандария маёни, Бобилнинг осма боғлари, Эфесдаги Артемида ибодатхонаси, Олимпдаги Зевс ҳайкали, Галикарнас мақбараси, Родос ҳайкали.)

... Сибирда яшовчи кетлар ва бошқа халқлар тили ва фольклорини ўрганишган бир гуруҳ тилшуносларнинг илмий асарларидан бирида таъкидланишича, кет тилида "ҳисоб тизими шундай тузилганки, энг охири оддий сон еттидир". Шундан кейин ясама сонлар бошланади.

— Етти йил давомида мени 7 рақами таъкиб қилиб юрди, — деб ёзди америкалик таниқли психолог Ж. Миллер.

Олимнинг гапига қараганда, шахсий ишларида ҳам "7" унга хилма-хил қўйфала дуч келаверган.

Шундан кейин Ж. Миллер турли (қўриш, эшитиш, таъм билиш билан боғлиқ ва ҳоказо) сигналларнинг инсонга кўрсатадиган таъси-

рини ўрганиб, қизиқ натижалар олди. Олим томонидан кўпдан-кўп тажрибалар асосида тўпланган статистика маълумотларининг кўрсатишича, инсон қабул қилаётган ва миёсида қайта ишлаётган ахборотлар бештадан тўққизгача бўлганда (Миллер буни 7±2 тарзида ифода-лайди) кўпинча хатога йўл қўйилмас экан. Агар ахборот ҳажми бундан ошиб кетса, янглишиш эҳтимоли ҳам ортиб боради. Демак, "7" одамлардаги идрок қилиш қobili-яти билан ҳам боғлиқ экан-да.

Ажабо, бир қарашда, табиат "7"ни одамларга аввалбосдан ато қилгандай! Қўлда ял-ял товланган етти рангли камалакни кўриб завқланмаган одам бормикан?! Бутун эса оддий нур ҳам шаффоф prizмалдан, масалан, сув буғлари орқали ўтказилса, таркибий қисмларга ажралиб, 7 хил рангда жилволанишини яхши билмиз. Мусиқада ҳам товуш етти нота ифодаланган: до, ре, ми, фа, соль, ля, си.

Ота-боболаримиз дунёда одамни боқадилан ва бой қиладиган 7 хазина бор деб ҳисоблашган(ситир,

асалари, ипак қурти, обжувоз, тегиримон, ўрмон, парранда). Баъзи халқларда эса байрам дастурхонини 7 хил нёъмат билан бешаш азалдан расм бўлган.

Ҳозир мутахассислар 7±2 ни универсал қонуният деб ҳисобламоқдалар. Ҳатто одам ўз шахсий ишларида 7±2 га асосланса, иши унумлироқ бўларкан. Ҳозир олимлар буни ҳар қандай ишни тўғри ташкил қилишнинг энг биринчи, оддий шарт қилиб қўйишмоқда.

"7" нинг оз дейдиган даражада кичик ҳам, кўп дейдиган даражада катта ҳам эмаслиги унинг ўзига хос бир мезонга айланиб қолишига сабаб бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Шунинг учун "7" нинг бунчалик узоқ тарихга эга эканлигини етти ухлаб тушида кўрмаган одамлар ҳам кундалик турмушда уни беихтиёр ишлатаверганлар. Ҳатто мумтоз поэзиямиз ҳам бу қридалан четда қолмаган. Забардаст олим ва файласуф шоир Мақсуд Шайхзодаанинг шу хусусидаги сўзларини келтириш ўринлидир: "Мумтоз ғазаларимизнинг энг кўпи билан етти байтдан ошмаслигида буюк ҳикмат бор. Узун шеърларда лирик ҳарорат сўниб кетишини ажодларимиз яхши тушунганлар".

## ОТА-ОНАНИНГ ҲАҚҚИ

Эй зукко болам! Агар ота-онанг сени тарбия қилиб вояга етказишда чеккан машаққатларини ўйласанг, уларнинг улут фазилатларини билиб оласан. Онанг сенга ҳомила бўлиб, туғиб, сийнасида сунт бериб, гамхўрлик қилди. Отанг эса сизлардан меҳрини дариг тутмади. Ота ҳам, она ҳам сен азобланган, азобланиди, азият чексанг, азият чекади. Хуллас, сенга келган барча нарсаларга қалқон бўлади. Ҳатто емай, ичмай бўлса ҳам сенга мол тўплайди, ўқитсам, илмли қилсам дейди. Мана шуларнинг барчаси учун сен уларни яхши кўришинг, ҳурмат қилишинг, уларга итоат этишинг, доимо уларга юмшоқ муомалада бўлишинг, овозингни кўтармай гапиришинг лозим. Оятги қаримаша: "Ота-онангга уф дема, уларнинг сўзини қайтарма, уларга гўзал сўзла", дейилади. Ҳадисда эса: "Жаннат оналарнинг оёғи остидадир", "Ота-оналарингизга яхшиликлар қилинг, болаларингиздан қайтади", дейилади. Ота-онанинг розилиги умрни зиёда қилур. Ким ота-онага қулоқ солмаса, боласи ҳам унга қулоқсиз бўлади. Сен ҳам, молинг ҳам отангники ҳисобланади — шунини ҳисобга олиб қўй.

«Ат-тарбия» китобидан



Эйфел минораси.

## САХНАДАГИ САРТАРОШ

Охун қизик бир спектаклда ўз ролини ижро этаётган эди, ясама соқоли билан мўйлаби терлагани учун тушиб кетаверди. Шунча босса ҳам бўлмади. Шунда роли тугамасдан сахнадан чиқиб кетган Охун қизик бир зумда яна пайдо бўлди. Аммо энди соқол-мўйлаби йўқ эди. Артистлар ҳайрон бўлиб унга қарашган эди, айтди:

— Сартарош келган экан, соқолимни олдириб кела қолдим.

## РАМКАДАГИ ГАПЛАР

Республика пахтакорлари қурултойи қатнашчиларига Навоий театрида катта концерт берилиб, унда Ўзбекистон ҳукуматининг раҳбарлари ҳам иштирок этишадиган эди. Юсуф қизик билан Охун қизик ҳам сахнага чиқиб, йиғилганларни ичак узди асқилари, кинояли ҳикоялари билан роса қулдириллар. Бундан ўзлари ҳам мамнун бўлиб, сахна орқасига ўтганларида, не кўз билан кўришиники, режиссёрнинг қовонидан қор ёғар эди.

— Нима, бу сизларга чойхонами! Театр сахнаси бу! Унутдиларингми! Неча марта айти-

шим керак, ахир сахнада рамкадан чиқиб кетманглар деб!

Кутилмаган пўпасадан Юсуф қизик ханг-манг бўлиб қолди. Бундай ҳолатда уста қизикчилик қила олмаслигини Охун қизик яхши биларди. Концерт дастурида эса улар яна бир марта чиқиллари қўлда тутилган эди. Шунинг учун Охун қизик Юсуф қизикқа далда берди.

— Уста, миямга бир антиқа фикр келди, айтаями?

— Айт Охун, айт қол!

Охун қизик устанинг қулоғига нималариндир шивирлади.

Набат яна қизикчиликка келган эди, режиссёр ҳам талаб, ҳам илтижо маъносида гапирди:

— Бола-чақамиз бор, эртага-ям кун кўришимиз керак, сизлардан илтимос, сахнада рамкадан чиқиб кетманглар.

— Хўп бўлади. Айтинг, сахнага иккита стул қўйиб қўйишини.

Юсуф қизик билан Охун қизик бўйинларига биттадан рамка осиб, стулда каллаларини ҳам қилиб ўтираверишди. Сунукат давом этди. Қизикчиликни кутган томошабинлар чапак чалиб юборишди. Шунда ҳам қизикчилар лом-мим демай ўтираверишди.

Ният, режиссёр сахнага чиқиб

— Ахир нима қилганларинг бу? Нега жим ўтирибсизлар?

Шунда Юсуф қизик ўрнидан даст турди, аввал томошабинларга, кейин режиссёрга қараб, бараварига, ҳамма эшитадиган қилиб гапирди:

— Ахир, ўртоқ режиссёр, рамкадаги одамдан қандай кулги чиқади?

Залда ўтирган Йўлдош Охунбобоев ўрнидан туриб

режиссёрга айтди:

Қизикчиларнинг бўйнидаги рамкани олиб кириб кетаверинг, улар берамка гапирмаса, халқ қулмайди.

Рамкадан ҳоли бўлган қизикчилар пахтакорларни роса қулдиришди.

## ВЕЛОСИПЕД МУБОРАК

Охун қизик магазинчидан илтимос қилиб юриб бир янги велосипед олди-да, уни дарвоза тагига қўйиб, ўзи овқатлангани кириб кетди. Қайтиб чиқса, яп-янги велосипеди ўрнида эски, гилдираклари "восмерка", агар ўрнида катта латта боғланган бошқа бир велосипед турганимиз. Охун қизик пешонасига уриб, шунга ҳам шукур деб, ҳалиги велосипедни етаклаб кетаётган экан, йўлда Юсуф қизикнинг ўғли Зайнобиддин учраб қолди.

— Охунжон ака, велосипед муборақ бўлсин, мунча янги, ювмасак бўлмайди-ку, — дебди.

Шунда Охун қизик:

— Ювишинг нимаси, ўзим уни кўмгани олиб кетяпман, — дея жавоб қилди.



## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Бухоро почтаси" акционерлик жамияти Ромитон филиали жамоаси "Кокиштун" алоқа бўлими бошлиғи **Эркин БОЗОРОВ** ва Пенсия бўлими бошлиғи **Дилафрўз ИСМАТОВА**ларни туғилган кунлари билан табриклайди. Уларга узоқ умр, сиҳат саломатлик, ишларида зафарлар тилаб қолади.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

**Бош муҳаррир:**  
Шодмон  
ОТАБЕК

**ТАХРИР ХАЙАТИ:**  
Шомансур ОБИДХУЖАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТЎЛЕБОВ  
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохрух АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМУЛЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000,  
Тошкент-35, А. Толстой  
кўчаси, 1.



**ТЕЛЕФОНИМИЗ:**  
136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
**ИНДЕКС:** 64600  
**ЖУМА КУНЛАРИ**  
**ЧИҚАДИ**

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

**Буюртма № Г-2639.**  
**4899 нусхада чоп этилди.**

**Офсет усулида босилди.**  
**Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.**

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA**  
**AKЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**  
**БОСМАХОНАСИ.**  
Манзили:  
Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси,  
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00